БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
8 июнь
Жума
№ 109 (13545).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросида

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси СССР Олий Шўросида бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси муҳокама этилиши муносабати билан таклифларни кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда таъкидланадики, Марказий Қўмита Бюроси бозор муносабатлари асосида мамлакат иқтисодиётини қайта қуришни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, СССР ҳукумати таклиф этган концепцияда бозор механизмини оёққа турғазиб олишнинг аниқ ва ижтимоий хавфсиз усулини таъминловчи тўла-тўкис комплекс тадбирларга эга эмас.

Аҳолининг кам таъминланган қатламлари — пенсионерлар ва ногиронлар билан бир қаторда, барча ишлаётган ва ўқиётган ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, уларга имтиёзли солиқ солиш бўйича тадбирларнинг етарли ишлаб чиқилмагани ташвишга солади.

Бундан ташқари ҳукумат томонидан бозор шароитида ўзига хос юзага келадиган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари эътиборга олинмаган.

Мамлакатни иқтисодий боши берк кўчадан чиқариб олиш имкониятини берадиган бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишда пухта ўйланган ва самарали концепция қабул қилинишидан ҳаммадан кўра ёшлар манфаатдор эканликларини, уни рўёбга чиқаришда улар фақат қатнашибгина қолмай, балки қандай бўлишидан қатъи назар «унинг ҳосилини ўришини» эътиборга олиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

1. Иқтисодий ислоҳот юзасидан ижобий ғояларга ва муқобил лойиҳаларга эга бўлган ёшлар ташкилотларини, бирлашмаларни, ҳаракатларни, ёш олимлар ва мутахассисларнинг ташаббускор гуруҳларини биргаликда ишлашга таклиф қилинсин. ВЛКСМнинг мамлакат парламентидаги вакилидан фойдаланиб, СССР Олий Шўросининг иқтисодий ислоҳот юзасидан Қўмитасига иқтисодиётни қайта қуриш таклифларини ва муқобил концепцияларини синчиклаб ўрганиш ва уларни СССР ҳукуматига таклифлар билан биргаликда СССР Олий Шўросининг сессиясига киритиш таклиф қилинсин.

2. СССР ҳукуматига ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан таклифлар комплексини, шу жумладан, давлатга тегишли бўлмаган корхоналарга ёшларни ишга қабул қилишни рағбатлантирувчи имтиёзли солиқларни жорий этиш, биринчи ўринда ҳар бир йигит-қиз учун иш кафолатланиши, ёшлар ишбилармонлиги рағбатлантирилиши, ишлаётган ёшлар учун малака ошириш ва бошқа касб ўрганиш системасини яратиш, ёш фуқаролар ва оилаларга қарзлар бериш, ёшларнинг давлат ижтимоий хизмати яратишни қўшимча қайта ишлаб чиқиш таклифи билан мурожаат қилинсин.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Владимир ЗЮКИНнинг шарҳи

— СССР Олий Шўросида муҳокама этилаётган бир қатор қонун лойиҳалари бўйича, эндиликда эса ҳукумат ҳаракатномасига нисбатан ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросининг қисқа муддат ичида иккинчи маротаба қарори пайдо бўлишининг боиси нимада?

— Комсомол ижтимоий-сиёсий ташкилот сифатида мамлакатдаги вазиятга ва ҳаммасидан ҳам кучлироқ ёш авлодга тубдан таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим давлат қарорлари ва қонунларига лоқайд қарай олмайди.

Аввало, бизнингча, тўлақонли бозорга ўтиш учун таклиф қилинган тадбирлар комплекси етарли эмас, бир қатор ҳолларда эса, маъмурий системанинг буйруқбозлик вазифаларини ниқоблайди. Ҳаракатнома бозорга қараб жамият, унинг айрим ижтимоий гуруҳлари учун хавфсиз ҳаракат қилиш жараёнини етарли даражада таъминламайди.

Ёшларга таъсир кўрсатадиган ўтиш даврининг оқибатлари бизни ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Ислоҳот лойиҳасида ижтимоий кафолатлар системаси ёшлар ишсизлигининг олдини олиш муаммоларини ҳал этишни ва йигит-қизларни касб-корга ўргатиш ҳамда ишга жойлаштириш системасини яратишни, реал яшаш минимумини кафолатлашни, ёш фуқароларга ва уларнинг оилаларига, ёшлар ишбилармонларига қарзлар беришни, бозор иқтисодиёти шароитида йигит-қизнинг ижтимоий тезроқ оёққа туриб олиши учун энг зарур шартларини назарда тутмайди.

— Танқид, албатта, фойдали иш. Лекин комсомол бирор бир ўзининг амалий ғояларини таклиф эта оладими?

— Ҳа, биз иқтисодий ислоҳотнинг айрим йўналишлари бўйича аниқ таклифларни тайёрлаяпмиз, бироқ яхлит концепция ёки ҳатто ислоҳот ҳаракатномасини таклиф этиш ёшлар ижтимоий-сиёсий ташкилотининг вазифасига кирмайди. Ҳозирги кунда парламентдаги депутатларимизда сўмнинг ички шартларини ўзгартириш асосида пул муомаласини ислоҳ қилиш юзасидан баъзи бир муаллифлик ишланмалари мавжуд. Шунингдек, олимларимиз томонидан СССРнинг «СССРда давлат ёшлар сиёсатининг умумий асослари тўғрисида»ги Қонунига қўшимча ижтимоий бўлим тайёрланган ва ҳукуматга берилган. Унда ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш, ёшлар ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш, ёшларга қарзлар ва моддий ёрдам бериш юзасидан тадбирлар системаси таклиф қилинган, ёшлар ишлари бўйича ижтимоий, давлат ижтимоий хизмати системаси ишлаб чиқилган. Ана шу бўлим нормалари шу йилнинг 9 апрелида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш пайтида Олий Шўронинг бир қатор қўмиталари ва комиссиялари ҳамда айрим депутатлари томонидан қўллаб-қувватланган.

Биз ишбилармонлик фаолиятини, биринчи навбатда ёшларнинг ишбилармонлигини кенг ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратмасдан туриб, иқтисодиётни сифат жиҳатдан қайта ўзгартириш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, жаҳон амалиётида бундай тажриба мавжуд ва у аллақачон ўз самарасини бераяпти.

— Бюро томонидан қабул қилинган қарордан сиз нимани кутаяпсиз?

— Биз ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини кутаяпмиз, ёш иқтисодчиларнинг, омилкорларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан таклифларини олишга, ёшларнинг, мамлакат иқтисодиётини қайта ўзгартиришга ўз қарашлари бўлган бир хил фикрламайдиган олимлар ва ишлаб чиқувчилар гуруҳларининг ғояларини Олий Шўрога етказишда уларга ёрдам беришга умид қилаяпмиз.

Биз иқтисодий ислоҳот юзасидан Қўмитада тайёрланган таклифларни СССР Олий Шўросига вакиллар орқали етказиб, уларни бошқа лойиҳалар қаторида тенг кўриб чиқишни талаб қиламиз.

Яна бир нарса. Ёшлар ишлари бўйича Қўмитага бозор шароитида ёшларнинг ўзига хос муаммолари масалалари юзасидан ҳукуматнинг нуқтаи назарини эшитишни таклиф қилган, мурожаатимиз зарур бўлган ҳимоя тадбирларини ишлаб чиқишга олиб келиши керак.

Долзарб мавзу

АЛВИДО, ГУЖУМЛАР

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АСРЛАРГА ОШНО БЎЛГАН БУ УМРБОҚИЙ ДАРАХТЛАР БЕФАРҚЛИГИМИЗНИНГ ҚУРБОНИ БЎЛМОҚДА. УЛАРСИЗ ЭСА ВОҲАДА ҲАЁТНИНГ БОҚИЙЛИГИНИ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН.

Гужумларга кўринмас ёв ёпирилаяпти, деб ёздик. Гужумлар қарияпти, уларни сақлаб қолиш чораси борми, деб бонг урдик.

Булар ўн йиллар олдинги ҳатти-ҳаракатларимиз эди... Ҳали олдимизда турган улкан фожиаларни англаб етмагандик.

Гужумлар қуриб битди, деб қайта-қайта қоғоз қораладик.

Гужумлар қуриб битди...

Булар уч-тўрт йил олдинги ҳирилдоқ товушимиз... Фожиа бошимиз узра чарх ураётганини сезгандик чоғи... Яна ким билади?

Бугун гужумларга алвидо айтишдан бошқа чорамиз қолмади. «Олтин воҳанинг осмонўпар гужумлари бирин-кетин сафимизни тарк этишди. Сервиқор гужумлар, серсоя гужумлар, мўйсафид гужумлар...

Бир аср, икки аср, тўрт-беш аср гувоҳи бўлган гужумлар. Минг ёшни қоралаганлари ҳам бўлгандир, балки. Не ажаб!

«Оролнинг суви камаяпти», деб олтмишинчи йилларда огоҳ этганлар бўлди. Уларнинг товушларини «Уч миллион, тўрт миллион, беш миллион тонналик «оқ олтин» учун кураш» чақириқлари кўмиб кетди.

«Орол адо бўлмоқда!» деб жонини жабборга берганлар бўлди. Мустабид ҳокимликнинг маъмурий раҳбарияти уларни аҳмоққа йўйди...

Кейин музлар эриди, пастдан юқоригача раҳбарлар алмашуви рўй берди, ҳаётимизга қайта қуриш кириб келди. Орол ҳақида сўз айтиш, бонг уриш, кўкрак йиртиш русмга айланди. Орол мавзуси кимларгадир шон-шуҳрат, мартаба ҳам олиб келди. Таассуб, денгизга бир томчи сув бахшида эта олгани йўқ.

«Ҳеч қиси йўқ, шимол дарёларини бурамиз, юртимиз обод бўлади, Орол сувга қайта тўлади», деб елкамизни сийпалаб овутишади...

«Бу шунчаки, вақтинчалик инқироз, табиат ўзини-ўзи даволашга қодир. Орол дард кўрмагандек бўлиб кетади», деб вақтдан ютганлар бўлди.

Биз бахти қаро, оми улус барисига ишондик. Коммунизмга ишонган каби.

Она денгизни асраш ғамида ҳисоб жамғармаси очилганда ярим оч боламизнинг ҳақидан қирқиб бўлсада унга пул ўтказишни ватанпарварлик деб билдик. Гўё, арзимас чақалар кунаро тугаб бораётган денгизнинг чанқоқ лабларига қайта ҳаёт бахш этаётгандик. Гўдакларча севиндик. Тентакларча севиндик...

Ҳаммаси қуруқ гап, алдов эканлигини, вақтдан ютиш учун маъмурий тўрачилик ўйлаб топган ўйин эканлигини энди ғира-шира англаяпмиз. Беш йил олдин тўхтатиб ташланган «Шимол дарёлари варианти»ни қайта мақтаб, унга қайтишни ташвиқ қилаётганлар кўзимизни очди. Афсус, тушунмаганлар қанча... Кўзи очилмаганлар қанча?

Бахти қаро оми улус!..

Оролни ўз ҳолига қайтариш ҳақда беш йил олдин сўз юритсак ярашарди, ҳақиқатга шак келтирмаган бўлардик. Бугун кеч бўлди — Орол аллақачон қайта тикланмас ҳолга етиб келди. У билан видолашиш, орада ўтган гапларнинг ҳисоб-китобини қилишга ошиққан маъқул.

«Алвидо, дейишга тилим бормайди».

Не тонг, алвидо, Орол!

...Хоразмнинг асрий гужумлари бўларди. Асрий денгизи каби. Юртнинг ўзлигини, шакли шамойили, қиёфасини белгилайдиган. Бари қуриб битди.

Қариялардан йўл сўрасангиз, манзилни одатда гужумга боғлаб кўрсатишарди. Бу минг йиллик одат. «Ариқ кўпригидан ўтгач, чап томонда катта гужумли қишлоққа дуч келасиз. Сиз сўраган жой-ўша...».

Энди ҳам ўрганган одат — манзилни гужумга менгзаш хотирдан кўтарилмаган: «Ҳа, Ботир буванинг уйими? Тўғрига юринг, икки чақиримдан сўнг ўн беш уйлик овул келади. Баҳайбат қуриган гужуми бор. Шу ердан сўранг...».

Гужумлар қуриб битди. Лекин, улкан дарахтлар ҳамон кўкка бўй чўзиб турибди. Фалакнинг бу қисматидан норозидек, исёнкорлик билан меҳнаткаш деҳқоннинг чайир қўлларидек қуруқшаб қолган новда-панжаларини кўкка чўзиб, нола чекаётган азадор аёлдек мунғайиб...

Қуриган гужумларни кесиб, йиқитиб, ёқиб ташланглар, деб маслаҳат беришади масъул ходимлар, уларда давосиз қуртлар уя қуришган. Бошқа гужумларни ҳам хароб қилиши мумкин.

Бобоси тенги, бобосининг бобосини кўрган азим дарахтни кесиш, йиқитиш, ўтга ёқиш... айтишга осон. Сал имони бор мусулмон бу ишга қўл урмайди. Гужумга болта уриш, оқ соқолли бобосига қўл кўтаришдек гап...

Олимлар гужумларнинг ўн йил ичида тамомила қуриб битишига мўйловдор қуртни сабаб қилишади. Унга вақтида чора топишолмади. Топилган пайти кеч бўлганди. Бу қурт узоқ ўрис ўрмонларидан ташиб келтирилаётган ёғочларда бизнинг юртимизга «меҳмон» бўлиб келганини айтаётганлар бор... Шаҳарлик мўйловдор, деган лақабни бу ўлаксахўр қурт шу боис олган... Бўлса бордир.

Лекин, қуриган гужумларни ҳар сафар кўрганимда бир кексанинг гапи эсимга келаверади: «Қариялар сергак халқ бўлишади. Уйқулари ҳам қуш тин олгандек. Юртнинг кўп асрлик қариялари, посбонлари бўлмиш гужумлар — бошимизга тушаётган ҳалокатдан биринчи бўлиб огоҳ бўлишди — денгиз қуриши билан устимизга ёғилаётган турли бало-қазоларни олдиндан кўришди. Ва... авлодлари, севимли тупроғи бошига тушадиган кўргиликка гувоҳ бўлишдан кўра бу юртни тарк этишни маъқул кўришди...».


Аччиқ фалсафа. Қариянинг гапи — ҳақ. Гужумларнинг қадим гўзал ўлкани тарк этиши Орол денгизи қуриши даврига тўғри келгани боиси нимада? Ҳаёт тараққиёти, туғилиш, ҳалокат оралиғидаги «ўткинчи дунё» ҳақда озроқ тушунчангиз бўлса, беш дақиқа каллангизни ишлатиб ўйлаб кўринг. Фоний дунё устунлари — улкан гужумлар шафқатсиз инсон қўлида ўйинчоқ бўлиб қолмадими? Миллион йил ер юзида мавж уриб, яшнаб, инсонларга ҳаёт бахш этган азим денгиз икки ўн йилликда ер юзидан қуриб битгани каби. Яна қанақа исбот керак?

Янгидан ўтқазилган авайлаб-асраётган гужум ниҳоллари умид уйғотадими? Йўқ! Ўзимизни алдаб яшашдан воз кечадиган пайт етди. Юртимиз бошига тушаётган қора кунлар — экологик ҳалокатдан ўз вақтида огоҳ этган бобогужумлар қаршисида энди ёлғон сўзлар ишлатмайлик. Ҳеч бўлмаса сўнгги паҳзада диёнат энсин қалбимизга. Гужумларга алвидо айтаётганда тилимиз ёлғонлардан бир пас тин олсин. Мўйсафид билан видолашишни ўз ўрнига қўйайлик. Зеро, бу ўзимиз билан, ўзлигимиз билан, қадим юрт билан видолашиш демак...

Алвидо, гужумлар...

Рўзимбой ҲАСАН,
Ж. ҚОЗОҚОВ (суратлари).
«Ёш ленинчи» мухбирлари.





Жумҳурият янгиликлари

ҚЎНҒИРОТ Локомотив депоси меҳнаткашлари янги сут ва гўшт ола бошлашди. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари бу ерга энг арзон нархларда ёрдамчи хўжаликдан келтирилаяпти. Бу ерда бир неча ўнта соғин сигир бор, новвослар боқилаяпти. Темирйўлчиларнинг ёрдамчи хўжалиги ем-хашак билан яхши таъминланган. Бу йил ёрдамчи хўжаликда сут-товар фермаси учун капитал бино қуришга қарор қилинган. Маҳсулотнинг бир қисми депо ошхонасига келтирилмоқда.

* * *

ШАҲРИСАБЗДАГИ Карл Маркс номли ихтисослаштирилган давлат хўжалиги 2500 метр баландликда картошка экишга киришди.

Бу хўжалик жумҳурият хўжаликлари орасида энг баланд жойдагиси бўлиб, бу ернинг микроиқлими ўзига хосдир. Шунинг учун бу ерда етиштирилган картошка жуда ҳам мазали бўлиб унга талаб катта. Лекин бу ерда баҳор кеч бошланади, шунинг учун экиш муддатлари ҳам орқага сурилади.

Бу йил картошка экиладиган майдонларнинг 120 гектари бу ерда ижарачи ва оила жамоаларига берилди. Бу, кўпроқ маҳсулот олиш, деҳқончилик маданиятини кўтариш имконини беради. Энг тажрибали деҳқонлар Россия далаларидагидан қолишмайдиган миқдорда — ҳар гектар ердан 145 — 150 центнер картошка олишни мўлжаллашаяпти.

Давлат хўжалиги тамаки ҳам етиштиради. Яқин вақтларгача тамаки бу ерда асосий даромад манбаи эди. Энди тамаки экиладиган майдонлар қисқартирилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ картошка экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Келажакда эса яна 100 гектар ер ўзлаштирилади.

(ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

Муҳокамада долзарб масалалар

Яқинда Тошкент денгизи соҳилларида жойлашган вилоят комсомол қўмитасининг хўжалик ҳисобидаги «Ёшлик» саёҳат оромгоҳида Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг II сайёр пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби И. Муртазоев ВЛКСМ XXI съезди якунлари ва ёшлар ўртасида вилоят комсомол қўмитасининг мавқеини тиклашда қўмита фаолиятининг асосий йўналишлари» мавзуида нутқ сўзлади.

Шунингдек, пленумда «Вилоят комсомол қўмитаси аъзосининг мақоми ҳақида», «Вилоят комсомол қўмитаси доимий комиссиялари ҳақида», «Тошкент вилоят комсомол ташкилотлари бюджетларининг шаклланиш принциплари ва вилоят комсомол қўмитаси бюджетининг 1990 йилдаги асосий кўрсаткичлари ҳақида», «Вилоят комсомол қўмитаси аппаратини қайта тузиш ҳақида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон комсомолининг XXIV съездга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан вилоят комсомол ташкилотларининг тутган йўли муҳокама қилинди. Жумладан, делегатларни сайлаш тартиби, марказий сайлов органларини шакллантириш юзасидан маслаҳатлашиб олинди. Ўзбекистон ЛКЁИ Ҳаракат дастури ва Устави ҳужжатларига, ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олиш тартибига таклифлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон комсомолининг XXIV съездига тайёрланган ва кўриб чиқишга тақдим этилган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан вилоят комсомол ташкилотларида мунозаралар ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг масъул ходими В. Кретов ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказқўмининг иккинчи котиби И. Бибиков иштирок этишди.

Журналистларни мукофот кутмоқда

Тўрақўрғон ноҳияси комсомол қўмитасининг «Базми-жамшид» ёшлар маркази қошида «Ёрқин юлдуз» гуруҳи ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси меҳнаткашлар кайфиятини яхшилашдир. «Ёрқин юлдуз» раҳбари Хайрулла Хўжаев беморларнинг айрим касалликлардан фориғ бўлишларида яқиндан ёрдам бераётир.

«Ёрқин юлдуз» гуруҳи ажойиб ташаббусни бошлади. Шарқ табобати бўйича энг ноёб истеъдод эгалари ҳақида «Ёш ленинчи» саҳифаларида ёритилган энг яхши мақолаларни мукофотлашга қарор қилди. Мукофот сизга мунтазир ёш қаламкашлар!

«Ёрқин юлдуз» маънавий руҳий гуруҳи манзилгоҳини эътиборингизга ҳавола этамиз: Наманган шаҳар, Чорсу хиёбони, Муллақирғиз мадрасаси, вилоят адабиёт музейи. Телефони: 6-74-94.

Олтмиш аканинг орзулари

Тошкент ҳалқа йўлининг Чимкент трактидаги Давлат автомобил инспекцияси назорат постидан чапга бурилиб, икки-уч километр юрганингиздан сўнг ўнг томонда баландликда катта шийпон кўзга кўринади. Бу Тошкент ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг пешқадам бригада бошлиғи Олтмишвой Ўрозов бошлиқ илғор жамоанинг дала шийпони.

Бу кичик жамоа хўжалиги ҳар йили муттасил равишда топшириқларни ортиғи билан уддалайди. Куни кеча жамоа аъзолари ҳар гектар майдондан пландаги 26 тонна ўрнига 50 тоннадан ошириб карам топшириб, бу соҳадаги планни салкам 2 баравар ортиғи билан уддаладилар.

Эришилган бу ғалабага Ҳаким Аширов, Фозил Жабборовлар бошчилик қилган оилавий пудратчилар муносиб ҳисса қўшдилар.

— Шаҳарликлар дастурхонига, — дейди бригада саркори Олтмишвой ака Ўрозов, — 200 тоннадан ортиқ карам етказиб бердик. Айни вақтда ҳар куни бир тоннадан ортиқ сабзи, икки тоннадан мўлроқ саримсоқ пиёз жўнатяпмиз. Насиб этса бу йил жамоамиз шаҳарликларга 700 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб беради.

Тошкент осмонида учар ликопча

Газета ўқиб ўтиргандим. Бирдан бақириқ-чақириқ бўлиб қолди. Айвонга чиқдим. Ҳамма кўчада эди. Осмон буржида бир гала юлдузлар ғужғон ўйнаб турарди. Юлдузларки одатдагидек митти эмас, ҳар бири «шапалоқдек» келарди ва тинимсиз ўчиб-ёнарди. Оч сариқ, қизғиш рангда. Гўё биров сон-саноқсиз чироқчаларни бир жойга йиққану навбати билан (свето музикадаги каби) ўчириб-ёқарди. Юлдузларнинг умумий шакли балиқ сиртига, янада аниқроғи, илмий-фантастик китобларда тасвирланган «ҳақиқий» учар ликопчага ўхшаб кетарди. (Расмга қаранг.) Юлдузлар секин-аста сўниб, кўздан ғойиб бўлди. Гўё ликопча биздан телевизор экранидаги фазо йўлдошидек узоқлашиб кетганди. Соатга қарасам, кеч соат 22 дан 52 минут ўтибди. Юлдузлар кўз олдимизда тахминан бир ярим, икки минут жилва қилиб туришди. Биз уларнинг учар ликопча эканлигига ишонмадик. Бундан сал бурун ботган қуёш нури сиртида жилваланаётган фазо кемаси бўлса керак деб ўйладик. Аммо...

Орадан икки соатча ўтгач, кўчада яна шовқин-сурон кўтарилди. Айвондан қарасак, тағин ўша юлдузлар бояги жойда! Бу гал осмон янада ёришиб кетганди. Хуллас, ўша ҳол яна такрорланди. Сўнг ликопча аввалгидек секин-аста ҳавога сингишиб кетди. Лекин орадан бир неча дақиқа ўтгач, унинг ўрнида прожекторга ўхшаш каттакон чироқ уч марта ўчиб-ёнди. Ундан таралган кучли ёруғлик осмонни беҳад ёритиб юборди.

Ликопчанинг пайдо бўлган жойи Тошкент ноҳиясига қарашли Карл Маркс номли жамоа хўжалиги полизининг, тахминан ГАИ постининг тепасида. Биз уни Юнусобод даҳасидаги кўп қаватли уйнинг 9-қаватида туриб кузатдик. Айтганча, икки кун бурун тошкентликлар шундай ҳолни аэропортнинг ёнидаги кўприк тепасида ҳам кузатишган экан.

Ликопча қаердан келди? Унда кимлар бор эди? Нега айнан бизнинг шаҳримизнинг тепасида пайдо бўлмоқда? Уч марта ўчиб-ёнган прожектор нурида қандай сир бор? Афсуски, олам аҳлини қизиқтираётган бундай саволларга ҳозирча ҳеч ким жавоб топган эмас. Фақат тахмин қилиш мумкин. Самовий меҳмоннинг ташрифи яхшиликка бўлсин.

Нурман БЕРДИЕВ,
рассом.
(Расмни муаллиф чизган).



Шу сонга хабар

«Сўнгги умидимиз сизлардан»

ДЕЙИШМОҚДА РЎЗНОМАМИЗ МУШТАРИЙЛАРИ

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ! Сиз йўллаган мактублар сони 13 минг 439 тага етди. Шундан бугунгача 5155 та шикоят ва арзномалар олдик. Текшириб, чора кўриш учун юборган 966 та шикоятга 2310 дона жавоб келди. Жавоблардан 90 фоиз арзгўйнинг талаби қондирилганлиги, масала ижобий ҳал этилганлиги кўриниб турибди. Шунингдек, 200 дан ортиқ миннатдорчилик мактублари олдик. Текширишга юборган шикоят хатларининг 35 таси ўзгалар номидан ёзилганлиги аниқланди. Мухбирларимиз уларнинг шикоят хатларининг натижаларини эса «Бир хат изидан» ойнасўзи остида ўқиб бормоқдасиз.

— Ушбу мактубни минг изтироб, ўкинч, алам ва кўз ёшлари билан битаяпман. Зора сизлар юрагимда сўнаётган умидни, ҳақиқатни рўёбга чиқарсаларингиз, — деб ёзади Хоразм вилояти Хазорасп ноҳиясининг Ленинград кўчасидаги 69-уйда яшовчи, Қаҳрамон она Малика ОТАНИЁЗОВА. — Дунёга келиб ҳаққимизни шунчалик эгилишини билмаган эдим. Ўғлим Файзуллажоннинг бевақт ўлимидан сўнг мен буни ҳис қилдим. 1989 йил 20 август куни ўғлим Файзулла икки ўртоғи билан соат 5 ларда чиқиб кетганди. Кўп ўтмай уйга «ўғлингиз касалхонада оғир аҳволда ётибди», деган хабар олдик. Етиб бордик. Не кўз билан кўрайки, бир соат олдин уйдан ўйнаб-кулиб чиқиб кетган ўғлим ўлибди. Ўғлимнинг ўлимига сабабчи бўлган кимса «Райводхоз» директори Атаёз Матёзов эканлиги аниқланди. У давлат номери 13—03 ХЗЛ машинасини маст ҳолатда бошқариб, ўғлимни уриб кетган. Армонлари ушалмаган 16 ёшли паҳлавонимни қора тупроққа қўйдик. Лекин ўғлимнинг қотили А. Матёзов «йўлини» қилиб танишлари орқали жазодан қутилиб қолди. Ўғлимнинг ўлганига 7 ой бўлаяптики, бизни на терговга, на судга чақиради. Кўп ташкилотларга бориб, юз берган мудҳиш воқеани айтдик. Лекин ҳеч ким дардимизни тинглаваяпти. Ёки қўли калта, оддий меҳнаткаш учун ҳақиқат йўқми! Фарзандларим ҳаққи-ҳурмати ёлвориб сўрайман, ёрдам беринг!»

Дунёда онанинг аламидан, онанинг қаҳридан кучли нарса йўқ. У ўз фарзанди учун ўлимдан қайтмайди. Унга ўз умрини бахшида қилади. Лекин фарзандидан ўзи учун умр сўрамайди.

Биз онаизор Малика Отаниёзованинг мактубини текшириб чора кўриш учун Хоразм вилоят прокуратурасига юборгандик. Яқинда **вилоят прокурори вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси М. Отабоев** имзоси билан жавоб олдик.

«Фуқаро Малика Отаниёзованинг «Ёш ленинчи» рўзномасига ёзган шикояти вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди. Файзулла Худойбергановнинг йўл ҳодисаси натижасида ўлганлиги факти юзасидан шофёр Неъматжон Матёқубовга нисбатан қўзғатилган жиноий иш ўрганилди. Жиноий ишни Хазорасп ноҳия ички ишлар бўлими терговчиси И. Худойназаров томонидан тўлиқ олиб борилмаганлиги, айрим ҳолатлар текширилмасдан ҳаракатдан ётқизилганлиги учун, жиноий ишни ҳаракатдан ётқизиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб ва қўшимча терговга қайтарилди. Ҳозирги кунда Н. Матёқубов жиноий иши юзасидан ноҳия ички ишлар бўлими томонидан тергов олиб борилмоқда. Аризада кўрсатилган далиллар тергов даврида тўлиқ текширилади.

Жиноят ишининг тергови вилоят прокуратураси томонидан назоратга олинди».

Дунёда турли характерли кишилар бор. Шундай инсонлар борки, улар ўз жонидан кечиб бўлса-да, одамларга, халққа хизмат қилишни ўзининг инсонийлик бурчи, деб биладилар. Лекин шундай қора юрак кишилар борки, улар бировларнинг ютуғини кўриб ичини ейди. Қандай бўлмасин ўзининг қора ишларини турли йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади. Бировлар номидан юқори ташкилотларга шикоятлар ёзиб, кўплаб кишиларнинг қимматли вақтларини ўғирлайди. Асаблар бузилади. Дилхиралик бўлади. Илгари бундай кимсалар имзосиз «юмалоқ» хатлар ёзиб ўзларича «лаззатланишган». СССР Олий Шўроси Президиумининг 1988 йил февраль фармонидан сўнг «имзосиз хат» муаллифлари бошқача йўлга ўтдилар. Энди улар ўзгаларнинг исм-шарифларини қўйиб шикоятлар ёзадиган бўлишди.

Яқинда рўзномамиз номига **Қашқадарё вилояти, Қамаши ноҳиясидаги Бешкент шаҳар Чехов кўчасида яшовчи Ш. ОТАМУРОДОВ, О. АБДУЛЛАЕВ**лардан шикоят хати келди.

Биз ушбу шикоятни текшириб чора кўриш учун **Халқ депутатлари Қарши ноҳияси Шўроси ижроия қўмитасига** юборгандик. Яқинда **Қарши ноҳияси давлат ширкатчилик деҳқончилик саноати бирлашмаси раисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Т. ҲАҚБЕРДИЕВ** имзоси билан жавоб олдик:

«Қарши ноҳия давлат-ширкатчилик деҳқончилик саноати бирлашмаси ушбу шикоят юзасидан ноҳиядаги К. Маркс номли давлат хўжалигида текшириш ўтказди.

Текшириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, шикоят хатида номлари кўрсатилган Ш. Отамуродов, О. Абдуллаевлар Бешкент шаҳрида яшамайдилар ва бирлашмада ишламайдилар.

Шикоят хатида баён этилган ноҳиядаги К. Маркс номли давлат хўжалигида қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарини сақлаш ва механизаторларга ҳам иш ҳақи тўланаётгани тўғрисидаги фактлар тасдиқланмади. К. Маркс номли давлат хўжалиги ноҳияда иқтисодий томондан мустаҳкам хўжалик ҳисобланади. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 1989 йилда 208 сўмни ташкил этди. Ўтган йил хўжалик 3 миллион 954 минг сўм соф фойда олиб, 73 фоиз рентабелликка эришилди».

Ушбу жавобга изоҳнинг ҳожати йўқ.

Ошкоралик замонида, юзини яширган бундай юзсизлар сиз билан бизнинг орамизда. Иғвогарга чора йўқми? Бор албатта. Фақат аввал уни фош қилиш зарур.

Кейинги пайтларда рўзномамиз обрўсидан фойдаланиб, ўзини «Ёш ленинчи» мухбириман» деб танитувчи сохта мухбирлар пайдо бўлаётир. Бундай фирибгарлар на фақат содда кишиларга, балки айрим идора раҳбарларига ҳам панд беришмоқда. «Ҳожатбарор» мухбирлар «Ёш ленинчи»да эълон қилинган жавоблардан, фойдаланиб, «Машина олиб бериш», «Ертоморқа», «нафақа» ва бошқа масалаларда «беминнат ёрдам»ларини аямасликларини айтиб, оддий кишиларни лақиллатишмоқда.

Қадрли рўзномамиз мухлислари ва идоралар раҳбарлари! Редакциямиз ва мухбирларимиз номини сотиб юрадиган «ишбилармон»ларнинг гувоҳномаларини синчиклаб кўринг, сўнг муомала қилинг. Қўлга тушган «ҳожатбарор»лар ҳақида таҳририятимизга ёки тегишли органларга хабар қилинг.

«Мухбир юборишингизни сўрайман», деган мазмунда келаётган телеграммалар ва мактубларнинг сони ортиб бормоқда. Рўзномамиз номига келаётган шикоятларни мухбирларимиз жойларга бориб ўрганишмоқда, мақолалар тайёрлашмоқда. Адолатни қарор топишида баҳоли қудрат меҳнат қилишмоқда. Хатларни бирма-бир ўрганишга имконият йўқ. Шунинг учун уларнинг кўпчилигини мутасадди ташкилотларга текшириб чора кўришга юборяпмиз. Лекин баъзи ташкилотлардан келаётган жавобларни ўқиб ёқа ушлайди киши.

«Мен Гули Эрхонова 1986 йил Пайариқ ноҳиясидаги 53-ўрта мактабни олтин медалга битирдим. Ҳозир С. Айний номли Самарқанд давлат педагогика институтининг 4-курсида таълим оламан. Яқинда институтни битираман. Лекин ҳали ҳам олтин медалимни ололмай сарсонман».

Ушбу шикоятни текшириб чора кўриш учун Пайариқ ноҳия халқ таълими бўлимига юбордик. Яқинда **ноҳия халқ таълими бўлими мудири Д. ХУДОЙҚУЛОВ** имзоси билан жавоб олдик.


«Ҳақиқатан ҳам Гули ЭРХОНОВА 1986 йил 53-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаган. Лекин медални ҳалигача олмаган. Унга медаль олиб берилади».

Қачон? Туянинг думи ерга теккандами?

Юқоридаги жавобни ўқиган Г. Эрхонованинг яна бошқа ташкилотларга шикоят ёзмаслигига ким кафолат бера олади?

Мана қўлимизда яна бир даста шикоят хатлари. Оппоқ қоғозга битилган дардлар. Уларни ўқиш оғир. Алам, кўз ёши ва ўкинчлар билан битилган. Кимдир қамоқхонанинг зах камерасидан, кимдир иттифоқимизнинг бир бурчагидан йўллаган буларни. Мактуб битишдан ният битта — ҳақиқатни қарор топтириш. Ҳаётда ноҳақ эзилган тақдирлар. Ҳақ қарор топади. Шу ишда ёрдамимиз тегса бас.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
шикоят, хат ва оммавий ишлар бўлими мухбири.



Сирлашув

Ж. БОБОРАҲМАТОВ суратлавҳаси.

МУШТАРИЙЛАРДАН МАКТУБЛАР

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

Рўзномамизнинг шу йил 4 апрель сонида ушбу сарлавҳа остида босилган мақолада Акмал Икромов ноҳия халқ таълими бўлимига қарашли махсус 2-БЎСМ (Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби)даги ишларнинг кўнгилдагидек эмаслиги тилга олинганди. Бу мақоладаги камчиликларни текшириб, чора кўриш учун Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига йўллагандик. Яқинда **бошқарма бошлиғи Х. ЙЎЛДОШЕВ имзоси билан қуйидаги жавобни олдик.**

«Мақола 2-БЎСМ тренерлар Кенгашида кўриб чиқилиб, танқид тўғри деб топилди.

А. Икромов ноҳия халқ таълими бўлими раҳбарлари билан 2-БЎСМ ва тренерлар Кенгаши ҳамкорликда мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни кўришмоқда:

Мактабга беш хилдаги спорт кийимлари ва зарур анжомлар сотиб олинди. Шаҳар ва ноҳия биринчиликларида қатнашувчи 2-БЎСМнинг еттита командаси тўлиқ спорт кийим-кечаклари ва пойабзаллар билан таъминланди. Футбол майдони тозаланиб, тартибга келтирилди. Акмал Икромов ноҳия ижроия қўмитасига дўкон томондан стадионга кирувчи машина йўлини ва дарвозани беркитиб қўйиш тўғрисида

«Пойдевори пишиқ бўлмаса...»

тақдимнома киритилди. Акмал Икромов ноҳия халқ таълими бўлимига 2-БЎСМ раҳбарларига 1990 йил мактабни таъмирлаш ишларида ёрдам кўрсатиш топширилди.

2-БЎСМ маъмурияти ва тренерлар Кенгаши мактабнинг катта тренер-ўқитувчиси В. А. Шамсимуҳаммедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер» унвони берилишини сўраб юқори ташкилотларга мурожаат этишга қарор қилдилар. Тренерлар Кенгаши 2-БЎСМдаги тренер ва ходимлардан ҳар куни тартиб-интизом, озодагарчиликка қатъий риоя этишларини ва назорат ўрнатишларини талаб қилди».

Шунингдек, А. Икромов ноҳияси халқ таълими бўлими мудири **И. Эргашевдан** ҳам ана шундай мазмунда жавоб олдик.

РАҲМАТ, «ЁШ ЛЕНИНЧИ»

Набирамнинг исми туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида нотўғри ёзилганди. Уни тўғрилаб ёздириб олиш учун жуда кўп оворайи-сарсон бўлгандим. Нолож Сизларга мурожаат қилгандим. Илтимосим ерда қолмади. Ёрдамларингиз билан Калинин ноҳияси халқ депутатлари «Иттифоқ» қишлоқ Шўроси ЗАГС бўлими ходимлари набирамнинг исми — «Мухайья»ни тўғрилаб Муҳайё, деб ёзиб беришди.

Раҳмат сизларга азизларим!

М. АЛИЕВА,
Тошкент шаҳри, А. Икромов ноҳияси, А. Тожиев кўчаси, 10 уй.

* * *

Мен сизларга онамнинг пенсия ёшларига етишига қарамай, бир неча йилдан бери пенсия ололмаётганлиги тўғрисида шикоят йўллаган эдим. «Ёш ленинчи» аралашуви билан Киров ноҳияси социал таъминот бўлими ходимлари келиб, хатимизни текширишди. Ҳозирда онам 59 сўм 50 тийин миқдорида қарилик пенсияси ола бошлади. Редакция жамоасига беминнат ёрдами учун онам ва ўзим номимдан чексиз миннатдорчилик билдираман.

К. ҲАСАНОВА,
Фарғона вилояти, Киров ноҳияси, «Рапқон» қишлоқ Шўроси. Қашқар қишлоғи.

ҚАЛБАКИ ХАТ

Ҳурматли «Ёш ленинчи» ходимлари! Мен Сизлардан бир мактуб олдим. Унда **«Сизнинг редакциямизга ёзган хатингизни текшириб, ҳал этиш учун халқ депутатлари Фрунзе ноҳияси Шўроси ижроия қўмитаси раисига юбордик. Натижаси Сизга хабар қилинади»**. деб ёзилганди. Буни ўқиб жуда ҳайрон бўлиб қолдим. Чунки, Мен ҳеч қачон Сизларга хат йўлламаганман.

У мактубда нималар битилгани менга қоронғу. Аммо, ўз исми-шарифини яшириб, менинг номимдан хат ёзган ўша шахс энг пасткашларнинг пасткаши экан. Мард бўлса бундай қилмас эди.

Ботирали КИМСАНОВ,
Фарғона вилояти, Фрунзе ноҳиясидаги «Сирдарё» давлат хўжалиги бригадири. 1960 йилдан КПСС аъзоси.



Тошкентдаги 2-шаҳар ўпка сили касалхонаси шифокорлари беморлар дардига даво топиш учун сидқидилдан меҳнат қилишаётир. Қўшимча хоналар қурилди. Яқин кунларда янги ошхона ишга тушади. Касалхона қайта жиҳозланди. Замонавий даволаш ускуналари ўрнатилди.

Бу ерда ўпка сили, буйрак таносили, кўз сили касаллигига йўлиққан беморлар даволанишади дейди, — бош врач Ш. Толипов. — Шифокорларимиздан ҳар бир беморга диққат-эътиборли, хушмуомала бўлишларини талаб қилаяпмиз.

Дардни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ ва муҳимдир. Бизга келаётган беморларнинг бу касалликларга чалинишларига асосий сабаб уй-жой шароитлари ва турмуш тарзларининг ёмонлигидадир.

СУРАТДА: ҳамшира М. Асадуллаева ва 4-бўлим бошлиғи врач С. Иноятова рентгенда ўпка фаолиятини кўздан кечиришмоқда.

Сураткаш Даврон АҲМАД.

Мададингизга муҳтожмиз, азизлар

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! Мен Жўрақўзи Мамадалиев Фарғона вилоятининг Бағдод ноҳиясига қарашли «Большевик» жамоа хўжалигининг Самандарак қишлоғида яшайман. Колхозчиман. Оилада тўққиз жонмиз. Сизларга мактуб ёзишимнинг сабаби, ногирон ўғлим Эркинжон тўрт йилдан бери оғир аҳволда уйда — тўшакда михланиб ётибди. Ногирон ўғлим бечора ўтира олмайди. Ойиси овқатлантиради. Мана кунлар исимоқда. Ўғлимни ташқарига чиқариш ва уйга киритиш учун битта ногиронлар аравачасига зормиз. Уйларсиз, нега ноҳия ва вилоят социал таъминот бўлимига учрашмадингиз, деб. Кўп бор учрашдим. Фойдаси бўлмаяпти. Ҳатто баъзи раҳбарлар биздай қашшоқ колхозчилар билан гаплашишни ҳам исташмайди. Балки менинг бу шикоятим ҳам қаерлардадир қолиб кетар, балки ташлаб юборарсизлар!

Бундан бир йил олдин ногирон ўғлимни даволатиш учун 3-4 кун ишдан қолганлигим сабабли жамоа хўжалиги раиси ишдан ҳайдаб юборган эди. Раҳбарларимизга шу ногирон болам ҳаққи ишдан ҳайдаманг, деб ялиндим. Лекин фойдаси бўлмади. Бир йил ўғлим нафақасига қўл учида кун кўрдик. Оиламиз бахтига хўжалигимизга янги раис келиб, мен яна даламга қайтдим.

Менинг ниятим, бирор кишининг фарзанди менинг ўғлимга ўхшаб ногирон бўлиб, кейинчалик худо шифо бериб оёққа туриб кетганлар бордир, ўша тузалганларнинг эски бўлса ҳам аравачасини бизга юборишса.

Бизнинг манзилимиз:
Фарғона вилояти,
Бағдод ноҳияси «Большевик»
жамоа хўжалиги, Самандарак қишлоғи.

РЕДАКЦИЯДАН: Азиз муштарийлар! Яхшилик ҳеч қачон унутилмайди. Агар қўлингиздан келса Эркинжонга ногиронлар аравачасини топишда ёрдам берсангиз, савобга қоласиз. Зора сизларнинг ёрдамларингиз туфайли Эркинжон гул тўла боғлар гўзаллигидан баҳраманд бўлса. Бу масалага Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фарғона вилоят социал таъминоти бўлими раҳбарлари ўз муносабатларини билдиришади, деб умид қиламиз.

Таҳрирсиз жавобталаб мактублар

«Гулчеҳра»нинг гул ва тикони

Исми жисмига муносиб «Гулчеҳра» болалар боғчаси... Айни кунларда бу масканга кирсангиз баҳри-дилингиз очилади, қалбингиз қувонади — шодликларга кўмиласиз. Боғча биносининг чор-атрофида турфа гуллар қийғос очилган, муаттари борлиқни қоплаган. Оро бериб парвариш қилинганини айтмайсизми? Ҳар хил мевали дарахтлардан иборат кичкинагина боғ, афсонавий боғи-эрамнинг ўзгинаси. Саранжом саришта йўлакчалар, болалар ўйнайдиган майдончалар киши ҳавасини уйғотади. Шу табиат манзарасига уйғун, бир-биридан ширин, болаларга боғча опалари парвона.

Биз мана шу манзара қўйнида боғча мудираси Муҳаррам опа Муқимова билан суҳбатлашдик.

— Ҳув нариги соябон остида боғча опалари назоратида ҳар хил ўйинчоқлар ўйнаб ўтирган болалар энг кичик группамиз, — дея гап бошлади боғча мудираси. — Бу группада асли 30 нафар бола, тарбияланиши керак. Шаҳримизда болалар боғчалари етишмаётганлиги учун бу группада ҳамшаҳарларимизнинг 63 нафар севимли фарзандлари тарбияланаяпти. Битта группада шунча болаларни тарбиялаш мураббийларимизга жуда оғир. Аммо илож қанча.

Шу мавзудаги суҳбатимизда тарбиячилар ҳам ўз ишларидаги камчиликлар, қалбининг бир четида тугун бўлиб турган дардларини очиқ айтишди. Айниқса, катта ёшдаги тайёрлов группасида 25 ўрнига 47 нафар бола тарбияланади. Тарбиячилар Ўғилой Эргашева, Матлуба Жўраевалар уларни мактабга тайёрлашда жуда-жуда қийналишаётганларини айтишди. Болаларни ёзиш-чизишга ўргатиш учун ўтиришга стул, столлар, ёзишга дафтар-қалам ва ҳоказолар етишмаса, куйинмасдан бўладими?

Шу оғир шароитда ҳам болаларнинг севимли боғча опалари ўз тарбиясидаги гул-ғунчаларга шеърлар ёдлатибди, қўшиқ ва рақслар ўргатибди. Айримлари юзгача эркин санайдиган, кичик сонларни қўшиб, айирадиган бўлишибди. Катта группа тарбияланувчилари орасида рассомчиликка қизиқувчилари ҳам бор экан. Шаҳло, Раъно, Гулчеҳра, Дилноза, Акбар, Анвар, Алишер, Баҳромлар ёд олган шеърларидан ўқиб беришди, ўрганган қўшиқ ва рақсларини ижро этишди. Болалар тарбиячи опалари ёрдамида боғча билан хайрлашув тантанасига бағишлаб бадиий қисмлар тайёрлаяптилар...

Аммо чор-атрофи анвойи гуллар, мевали боғ билан ўралган «Гулчеҳра» болалар боғчасидан қайтар эканмиз юрагимизнинг бир чети бўшдек туйилди, 300 ўринли болалар масканида 600 нафар эркатойлар тарбияланаётгани, шу туфайли содир бўлган қатор муаммолар сира хаёлимизни тарк этмади.

Айниқса, болалар ётиб ухлайдиган дам олиш соатларидаги кўнгилсиз манзара бир мунча ташвишли. Битта кароватчада икки нафардан бола ётса, улар мириқиб дам олади дейиш мумкинми? Йўқ, албатта! Болаларнинг овқатланиш пайтидаги қий-чувини айтмайсизми?

Уларга овқат бериш учун идиш-товоқлар, стол,стуллар етишмаса, бу қандай гап?

— Боғчамизда режалаштирилганидан икки баравар кўп болаларни тарбиялаш биз учун жуда оғир бўлаяпти. Боғча учун фақат 300 болага етарли жиҳоз, стол, стул, идиш-товоқ ва бошқа анжомлар ажратилгани ҳолда, биз ҳар қанча яхши ишламайлик, қўлимиздан келган чора-тадбирни кўрмайлик камчиликларни ёпишнинг иложи бўлмаяпти, — деди мудира Муҳаррам опа Муқимова куюниб.

«Гулчеҳра» болалар боғчасидаги икки хил манзара бизда ташвиш уйғотди. Тарбиячилар ўз ишларига меҳр-муҳаббат билан қараб болаларни ардоқлашини шу кунлардаги чаман гулларга, нуқсонларни эса тиканга қиёс қилдик.

Келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялаш ишига тўраларча муносабатда бўлаётган оталиқ ташкилотларнинг шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари, ижроқўмдаги мансабдор акаларимиз бундай ҳолга нима дейишаркин?

Наргиза КАМОЛОВА,
Фарида МЕЛИЕВА,
Барно МУРОДОВА,
Жиззах шаҳридаги Шукур Саъдулла номли 11-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчилари.

Таҳрирсиз жавобталаб мактублар

Мен дардимни кимга айтаман

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! Ушбу мактубни Самарқанд вилоятининг Қўшработ ноҳиясидаги Жўш қишлоқ Шўросига қарашли Тоз қишлоғида яшовчи бир группа оналар номидан йўлламоқдаман.

Қўшработ ноҳиямизнинг қайта тикланиши, кўплар қатори биз оналарни ҳам қувонтирди, албатта. Чунки ноҳиямиздаги масъул раҳбарлар бизнинг Тоз қишлоғимизда кўп йиллардан бери тўпланиб қолган муаммолар ҳақида бирор қарорга келишар, деб умид қилгандик. Афсус... Қўшработ ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Я. Халиловга йўллаган мактубимизга жавоб ололмадик.

Энди арзимизни севимли рўзномамиз «Ёш ленинчи»нинг масъул ходимлари эшитишар, деган умиддамиз. Мана ҳозир қайта қуриш, демократия ва ошкоралик даврида яшаяпмиз. Лекин қайта қуриш, демократия ва ошкораликнинг шабадаси бизнинг ноҳиямиздаги масъул раҳбарларга ҳали-вери етиб келмайдиганга ўхшайди. Мана, рўзнома ва жаридаларда, ахборот воситалари бўлмиш сўзнигор ва ойнаи жаҳонда «Болалар бизнинг келажагимиз», «Ҳамма яхши нарсалар болаларга» шиорларини ўқиймиз ва эшитамиз. Болалар ҳақидаги кўрсатувларни кўриб борамиз.

Бизнинг қишлоқда эса болалар боғчасининг ва шунингдек, сув билан ҳаводек зарур ҳаммомнинг йўқлиги биз оналарни ташвишлантирмоқда.

Мисол учун қишлоғимиз марказида жойлашган кутубхона ходими Ойзода Ботирова, Муаззам Иззатуллаевалар, қишлоқ врачлик амбулаториясининг ишчилари иш жойларига болаларини ўзлари билан бирга олиб боришга мажбурлар. Мен ҳам оилавий шароитим оғирлиги ва болалар боғчасининг йўқлиги сабабли икки фарзандимни иш жойимга олиб боришга мажбурман. Ана шундай муаммолар қачонгача ҳал этилмай ётаверади.

Салом билан Замира АЛИБЕКОВА.

Жумҳуриятимизда анъанавий пушкинхонлик кунлари

XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг муҳим хусусиятларидан бири янги руҳдаги ўзбек таржима мактабининг бунёд этилиши билан боғлиқ. Таржима гарчанд XX асрга қадар ҳам ўзбек адабиётида, хусусан, Огаҳий ижодида муайян ўрин тутган бўлса-да, чин маънодаги таржима мактаби 1917 йилдан кейин яратилди, айниқса, 30-йилларга келиб шовул мевалар берди. Ижоди худди шу даврда барқ уриб, гуллаган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзбек таржима мактабининг асосчиларидан ва таржима санъатининг моҳир усталаридан бири сифатида майдонга чиқди.

Чўлпоннинг 20- ва 30-йилларда кўпроқ таржима билан шуғулланиши, бир томондан, совет адабиёти эшикларининг бу улкан ижодкор қаршисида ёпилиши билан изоҳланади. У сўнгги кунларига қадар жумҳурият Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб киролмаган. Истеъдоди даргумон бўлган кимсалар бу уюшманинг аъзоларигина эмас, ҳатто раҳбарлари бўлгани ҳолда Чўлпоннинг уюшмага кириш ҳақидаги аризаси рад этилган. Ҳатто унинг меҳнати билан юзага келган «Ҳамлет»нинг доҳиёна таржимаси Ҳамза номидаги Ўзбек драма театрига шоншуҳрат келтирган кезларда ҳам таржимон исми афишаларда қайд этилмаган. (Ўзига нисбатан бундай ноҳалол муносабатга чидай олмаган Фитрат шу йилларда «Эшакнинг меҳнати ҳалолу гўшти ҳаром», деган экан!)

Мамлакатда пайдо бўлган шундай «ижодий» муҳитда Октябрга қадар «майда буржуазия ғояларининг ифодачиси» деб тамғаланган Чўлпон учун адабиёт оламининг фақат бир эшиги — таржима эшиги очиқ эди. У 1935 йилда ўзбек халқи ҳаётини акс эттирувчи энг яхши асарлар учун эълон қилинган конкурсдагина «Кеча ва кундуз» романи билан иштирок этди (асарга бирорта ҳам мукофот берилмади) ва совет мавзуларида ёзилган «Соз» шеърлар китобини эълон қилди, холос.

Чўлпон атрофида пайдо бўлган бундай носоғлом муҳит ва маиший турмуш талаблари уни бадиий таржима билан кўпроқ шуғулланишга мажбур этди.

Шу нарса ажабланарлики, Чўлпоннинг шу йилларда ёзган асарлари чоп этилмаган, таржималари эса имзосиз саҳнага қўйилганига қарамай, у фаолсизликда айбланди. 30-йилларда эса фаолсизликнинг яна бир номи «саботаж» бўлиб, бу модда билан айбланганлар совет ҳукуматининг ашаддий душманлари саналар ва шошилинч суратда гумдон қилинар эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон Тошкент ёзувчиларининг 1937 йил 7—8 апрель кунлари бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган ва бизгача сақланиб қолган ягона нутқида ўзига тақалган шу айбларга қарши жиддий эътироз билдириб, бундай деган:

«Энди энг оғир масала — Чўлпон ўзини кўрсатмади, деган нозик масала.

Москвадан келганимга икки йил бўлди. Бунинг 50 процентини скидка қиласиз. Чунки, мен кўп вақт касал бўламан. Мен ярим одамликдан чиқолмаман, буни ҳам билиш керак. Мана, икки йил орасида мен нима иш қилдим? «Она»нинг иккинчи бўлимини таржима қилдим. Бу тўғрида ҳаммадан мақтов эшитаман. Бу ҳам биринчи бўлимча келади. Жуда катта нарса. Ундан кейин Горькийнинг «Егор Буличев»ини, А. С. Пушкиннинг «Дубровский», «Борис Годунов»ини таржима қилдим. «Жўр» деган шеърлар тўпламини топширдим. Лоҳутийнинг «Оврупо сафари»ни таржима қилдим. Ундан ташқари, Эски шаҳарда чиқа турғон «Театр» газетасига қатнашаман, ундан кейин «Муштум»да ишлайман. Агар сизлар шуни ҳам кам десаларингиз, мени халтурага тортган бўласиз...»

Икки йил орасида шунча машҳур асарларни таржима қилиш ва яна қанча ишларни амалга ошириш кимларгадир ғоят оз ижодий иш бўлиб туюлган. Аммо бугунги маданиятимиз юксаклигидан Чўлпоннинг шу икки йил мобайнида бажарган ишларига назар ташласак (афсуски, «Жўр» шеърлар тўплами йўқолган ва бошқа айрим таржималар тақдири ҳам қоронғу), уларнинг мислсиз бадиий-маърифий қимматга эга эканлиги равшан бўлади. Ҳолбуки, Чўлпон бу даврда, мазкур асарлардан ташқари, Н. В. Гоголь, И. С. Тургенев, А. П. Чехов, А. М. Серафимович, Д. Бедний, А. Блок, В. Брюсов, Вс. Иванов, С. Третьяков, А. Файконинг йирик асарларини, шунингдек, Лопе де Веганинг «Қўзи булоқ», «Кўза ушлаган қиз», Карло Гоццининг «Маликаи Турандот», Карло Гольдонининг «Икки бойга бир қарол», Мольернинг «Хасис» каби пьесаларини, Р. Тагор ва П. Верленнинг шеър ва ҳикояларини ўзбек тилига катта санъаткорлик билан ўгирган. Бу таржима асарлар эса ўша йилларда ўзбек маданиятининг камол топишида катта аҳамиятга молик бўлган.



Чўлпон— Пушкин таржимони

Маълум бўлишича, Чўлпон, мазкур муҳлатда фақат зикр этган асарларнигина эмас, балки рус ва жаҳон адабиётининг бошқа ўнлаб намуналарини ҳам ўзбек тилига чертиб, жаранглатиб, ўйнатиб таржима қилганки, улар орасида рус классик шеъриятининг қаймоғини ўзига сингдирган А. С. Пушкин асарлари алоҳида ўринни эгаллайди.

«Борис Годунов» — Пушкин драматургиясининг шоҳ намуналаридан бири. Мураккаб бадиий-услубий қурилмага эга бўлган бу асар таржимасига 30-йилларда журъат қилмоқ учун Чўлпондек буюк истеъдод соҳибининг туғилган бўлиши шарт эди. Чўлпон бу асарни ўзбек тилига ағдаришдан аввал Пушкин ижодини ва Борис Годунов тарихини қунт билан ўрганган, асардаги ҳар бир пушкинона истеъдод жилвалари, сўз ўйинлари ва тагмаъноли ҳолларни ўзига хос назокат билан пайқаб, уларни ўзбек тилида маҳорат билан ифодалаган.

Бугун муҳтарам муштарийлар эътиборига ҳавола этилаётган Пушкиннинг уч асари Чўлпон томонидан 1935—1936 йилларда адабиёт тазкиралари учун таржима этилган бўлиб, уларнинг мавжудлиги кейинчалик унутилган. Бу асарлардан бири — «Гул ва булбул» Шарқ шеърияти тароватини билан йўғрилган сабабли Чўлпон уни таржима этишда арузнинг бой мусиқий имкониятларидан кенг фойдаланди. Таржима назарийётчилари орасида: «Наср таржимони — ёзувчининг қули, назм таржимони — шоирнинг рақиби», деган ибора юради. Чўлпон бу таржималарида улуғ шоирнинг муносиб рақиби эканлигини намойиш этган. Бу асарни, айниқса, 30-йилларда ўқиган китобхон уни рус шеъриятининг эмас, аксинча, ўзбек назмининг мулки сифатида қабул қилган. Агар Пушкин шеърнинг биринчи сатрида лирик шароит яратгач, «Поэт над розою восточный соловей», деб шеърхонни нисбатан оддий бир воқеа ичига олиб кирган бўлса, Чўлпон бу мисрани Шарқ шеърияти булоғида «чайиб», «Ғариб булбул фиғон айлаб» «Гулим, раҳм айлагил», дерди қабилида шарқона тафсилотлар билан бойитган.

Пушкиннинг бир поп ва Балда ҳақидаги эртаги «Евгений Онегин» шеърий романининг китобхони ёхуд «Борис Годунов» драмасининг томошабини учун жиддий асар бўлиб туюлмаслиги мумкин. Аммо бу асарнинг Чўлпон қаламидан чиққан таржимаси ўзининг аниқлиги, ёрқинлиги, мунавварлиги, самимийлиги, ўзбек тилининг ранго-ранг жилоларини намойиш этиши ва ажиб бир ҳароратини билан ўқувчини мафтун этади.

Асар рус халқ эртакларига хос бўлган:

Жил-был поп,
Толоконный лоб.
Пошел поп по базару
Посмотреть кой-какого товару

деган ҳар бир сатри турли вазнларга мансуб муқаддима билан бошланади. Бу муқаддимадан рус эртакчисининг оғзаки, табиий нутқи эшитилиб туради. Яна бу нутқдаги «толоконный лоб» ибораси билан Пушкин попнинг манглайини кепакка қиёс қиладики, рус фольклоридан униб чиққан бу образ ва шеърий нутқни Чўлпон ўзбек халқ эртаклари руҳидан келиб чиққан ҳолда «таржима қилади». Таржиманинг аввалидан сўнггига қадар халқ оғзаки ижодининг нафаси уфуриб, китобхонни ягона тўлқинда ушлаб туради. Чўлпон бу эртакда ҳам сўзма-сўз таржима йўлидан бормай, «берег моря» ифодасини «дарё лаби», «балалайка»ни «дўмбира» тарзида ўзбекчалаштириб, таржима этилаётган асарнинг ўзбек китобхонига ҳар томонлама яқин бўлиши учун жон куйдиради.

Бу учала асарнинг таржимаси ҳақида кўп илиқ сўзларни айтиш, Чўлпоннинг таржимонлик истеъдодини баланд пардаларда таърифлаш ва тавсиф этиш мумкин. Аммо Чўлпон ҳам, бу улуғ санъаткор билан шу кеча-кундузда танишган ва аллақачоноқ уни сева бошлаган китобхон ҳам бундай сўзларга муҳтож эмас. Шунинг учун ҳам камина Чўлпоннинг Пушкин асарларининг таржимони сифатидаги фазилатларига баҳо беришни китобхоннинг ўзига — ягона ҳакамга ҳавола қиламан.

Фақат бир нарсани айтишни истардим: Пушкиннинг ушбу шеърий асарларининг ўзбек тилига катта меҳр ва маҳорат билан ўгирилган таржимаси Чўлпон XX аср ўзбек адабиётининг баланд чўққиларидан бири бўлган Чўлпоннинг муҳташам сиймосига кичик бир чизма бўлиб қўшилади.

Наим КАРИМОВ.

А. С. ПУШКИН.

Гул ва булбул

Баҳор чоғида холи боғда бир зулматли тун эрди,
Ғариб булбул фиғон айлаб, «Гулим,
раҳм айлагил» — дерди.
У гул ҳеч бир қулоқ солмас эди фарёду афғона,
Фақат ором оларди нағмадан тўлғона-тўлғона.
Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим,
сен ҳам
Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан тинмайин
бир дам.
Қўй, энди, беҳуда дод этма, оҳинг унга етмайдир,
Қарайсан: яшнаган бир гул, фақат овоза
бермайдир.

Банди

Мен қулликда ўстурилган ёш бургут,
Ўтураман зах зиндонда ноумут.
Мунгли дўстим деразамнинг остида
Қанот қоқиб, луқма чўқуш қасдида.
Чўқуб қўйиб, деразага қарайди,
Худди мендек ўйлаганга ўхшайди.
Менга қараб, овоз солиб чорлайдур,
У демакчи: «Учушайлик, қани тур!
Эркин қушмиз, фурсат келди, хўп фурсат!
У ергаким, тоғлар бутун зумуррат,
У ергаким, поёни йўқ кўк денгиз,
Учушамиз фақат шамол иккимиз!»

Абдулҳамид ЧЎЛПОН таржималари.

Саволлар беринг!

Зиёни кам тўқнашув

Кейинги пайтларда фақат осмондагина эмас, балки йўлда, сувда, темир йўлларда ҳам транспорт воситаларининг ҳалокатга учрашлари, тўқнашиб кетишлари тез-тез учраб турибди. Энг йирик автомобиль ҳалокати қаерда содир бўлган? Унда қанча киши жабрланган?

Нодир КОМИЛОВ.
Тошкент.

Автомобилларнинг тез юришига мўлжалланган Венгриядаги йўллардан бирида жуда қизиқ ва қурбонлар ғоят кам бўлган тўқнашув бўлган. Қуюқ туман пайтида икки юзга яқин енгил ва юк машиналари кўриш ғоят ёмонлиги туфайли бир-бирини келиб ураверган. Ҳалокат натижаларини бартараф этишда полициячилар, медицина ходимлари ва ўт ўчирувчилардан иборат 136 киши, 43 та транспорт воситаси иштирок этган. Армия ва бошқа идоралар ҳам одамлар ва техникаларни ёрдам ишларини амалга оширишга юборишган.

Бахтли тасодиф туфайли бу энг йирик автомобиль ҳалокатида атиги бир киши ҳалок бўлган ва 36 киши жароҳатланган. Жабрланганларнинг бунчалик кам бўлишига асосий сабаб бирорта ҳам машинада тез аланга олиб кетадиган юкнинг йўқлиги бўлган.

Мусулмонлар рўзномаси чиқяптими?

Яқинда мен бир танишимдан мусулмонларнинг рўзномаси чиқаётганлигини эшитиб қолдим. Айтингчи, шу ростми?

Отаназар АЛЛАНАЗАРОВ.
Шовот ноҳияси.

Ҳа, Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг бош нашри бўлган «Ислом нури» ярим ойлик диний-ижтимоий жаридаси чоп этилмоқда. Ҳозирча Совет Иттифоқида ягона бўлган ислом рўзномаси ўзбек тилида икки кўринишда — араб ёзуви ва кириллица ёзувида қирқ минг нусхада нашр қилинмоқда.

— Рўзномамизнинг чоп этилиши мамлакатда ва жумҳуриятда юз бераётган ўзгаришлар натижасидир, — дейди «Ислом нури»нинг муҳаррири Муҳаммад Шариф Жуманов. — Биз диний таълимот қоидаларини, урф-одат ва маросимларнинг моҳияти ҳамда тартибини тушунтира борамиз. Бундан ташқари совет мусулмонлари дин бўйича хорижий биродарлари ҳаёти тўғрисида энг сўнгги хабарларни ҳам рўзнома орқали билиб оладилар.

Редакция Тошкент шаҳридаги Ҳамза кўчасининг 18 берк кўчасидаги 47 «а» уйга жойлашган.

Имом ат-Термизий юбилейи ҳусусида

Яқинда бир танишим ўрисча рўзномада имом ат — Термизий юбилейи ҳақида хабар ўқибди. У кишининг ўзи ким? Неча йиллиги нишонланади?

Ҳамидулла ЭРГАШЕВ.
Ўрта Чирчиқ ноҳияси.

Дарҳақиқат, шу йилнинг сентябрида мамлакатимиз мусулмонлари ва чет эллардаги диндошлар диний фалсафанинг буюк вакили имом Термизийнинг 1200 йиллигини кенг нишонлайдилар. Абу Иса Муҳаммад бин Иса ат-Термизий хижрий 209 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида (ҳозирги Шеробод шаҳри) туғилган. У ёшлигиданоқ илмга чанқоқ бўлиб, жуда кўп саёҳатларга чиққан, мусулмонларнинг машҳур диний мактабларида таҳсил олган.

Ўзининг бутун ҳаёти давомида Муҳаммад пайғамбар ҳақидаги ривоятларни, унинг чуқур маъно касб этувчи сўзларини йиғган ва бир бошдан тартибга солган.

Имом Термизий ўзининг «Китоб ал-Жами ас-Саҳиҳ» (ҳадислар тўплами) деган йирик асари билан шуҳрат қозонган. Мусулмон динида бу китоб катта аҳамиятга эга. Имом Термизий пайғамбар ҳаёти ҳақида «Аш-Шамоил ан-Набавийя» деган китоб ҳам ёзган. Ислом ўқув юртларида ҳозир ҳам имом Термизийнинг китобларидан асосий ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланилади.

Хижрий 279 йилда Термизий ўз қишлоғида вафот этган.

Мавзуга қайтиб

«Уммонимиз қаерда?»

Ўтган йилда рўзномамизнинг 11 октябрь ҳамда 7 декабрь сонларида эълон қилинган «Уммонимиз қаерда?» сарлавҳали мақолалар кўпчиликнинг эсида. Бу чиқишлардан сўнг анча вақт ўтди. Аммо шунга қарамай томонларнинг баҳси давом этяпти. Биринчи мақола муаллифи ўз далилини исботласа қомусчи олимлар эса бу фикрга зид. Мунозараларга холисона ёндашиш ниятида жумҳурият Ботаника институтининг директори, биология фанлари доктори Ў. Пратовдан мақолаларни шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

«У ким бу нима» (болалар қомуси) номли уч жилдли мазкур асардан болаларгина эмас, катталар ҳам яхшигина фойдаланишлари мумкин. Ҳеч шубҳасиз ўзбек тилида илк бор чоп этилган бу асар ҳамма нарсани ўз ичига ололмайди. Албатта, бу қомусни яратишда қомусчилар катта меҳнат қилишган. Буни инкор этиб бўлмайди.

Мен ботаник сифатида китобдан жумҳуриятимизда, Ўрта Осиёда ва дунёда кенг тарқалган ўсимликларни қидирдим. Танишиш қомусда ўсимликлар дунёсига ва кўпчиликка маълум айрим ўсимликларга ниҳоятда кам ўрин берилганлигини кўрсатди. Фикримча Ўрта Осиё тоғларида кенг тарқалган арча (тоғ мақоласида ҳам йўқ), ва саксовул (чўлда эмас, алоҳида) каби Ўзбекистонда кенг тарқалган ўсимликлардан ва ҳамда «Ўзбекистон қизил китоби»га киритилган ўсимликлардан кўпроқ ёритилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳар қандай асарда бўлганидек бу китоблар ҳам айрим хато ва камчиликлардан холи эмас. Шу ўринда мен «Ёш ленинчи» рўзномасининг 1989 йил 11 октябрь сонида босилган Т. Мақсуднинг «Уммонимиз қаерда?» номли мақоласида Орол денгизи, Сирдарё ва Амударёлар китобга кирмабди, деган фикрига тўлиқ қўшиламан. Айниқса, Орол айни вақтда бутун дунё муаммосига айланиб қолди.

Китобларга жавдарнинг тупи ёз бўйи ўзидан миллионлаб илдиз ва миллиардлаб патак илдиз чиқаради (3 китоб, 263 бет) дейилан. Бу ўринда Т. Мақсуд ҳақ. Ботаникада «майда патак илдиз» деган гап йўқ. Умуман айтганда қайд қилинган илдиз ҳақидаги жумла тўғри талқин қилинмаган. Иккинчи бир сўз ботаниклар ўсимликни алқор дейдими ёки архор дейдими?

Ботаниклар ўсимликларни алқор деб айтади.

Энди «Уммонимиз қаерда?» номли М. Аминов, М. Аширова ва бошқалар ёзган мақолага келсак, (1989 йил 7 декабрь) у олдинги мақоладаги танқидга нисбатан зардали. Мавжуд камчиликларни тан олмасликка ҳаракат қилиб, махсус тайёрланган мақола деб биламан. Шуни ҳам айтиш кераки, танқид инсон шахсига тегадиган бўлмаслиги керак. Агар танқид соф, ишнинг сифатини яхшилаш мақсадида ёзилган бўлса уни тан олиш зарур.

Ўйлайманки, қомуснинг келгуси нашри маҳаллий материаллардан кўпроқ фойдаланилган ҳолда чоп этилади.

Ў. ПРАТОВ,
ЎзССР ФА Ботаника институти директори, биология фанлар доктори.

Хорижидан хабарлар

Телетайп лентасидан

● РИМ. Италия парламентининг биносида Италия Компартиясининг таниқли арбоби (ИКП Марказий Қўмитаси халқаро бўлимининг собиқ мудири), ИКП Марказий Қўмитаси партия турмуши муаммолари комиссиясининг раиси Антонио Руббининг «Горбачев билан учрашув» китобни расмий равишда тақдим этиш маросими бўлди. Китобни Италиянинг «Эдитори риунити» нашриёти чиқарган бўлиб, 1984 йил июнидан 1989 йил ноябргача бўлган даврни ўз ичига олади.

Леонильде Йотти китоб сўнгги даврда жаҳондаги бутун вазиятни ишонарли акс эттирганлигини ҳамда давримизнинг энг дадил ва серғайрат кишиларидан бирини тушунишга имкон беришини айтди. Бу китоб зўр қизиқиш билан ўқилишига ишонаман, деди у.

● ВАРШАВА. Июнь ойидаги парламент сайловида «Бирдамлик» қўллаб-қувватлаган гражданлар қўмиталарининг номзодлари ғалаба қозонган эдилар. Орадан бир йил ўтгач, ана шу ҳаракат ичида ўткир келишмовчиликлар пайдо бўлди ва бу келишмовчиликлар ажралиш хавфини солмоқда. «Бирдамлик» касаба уюшмаси Умумпольша комиссияси билан гражданлик парламент клубининг чоршанба куни бўлиб ўтган мажлиси шундан далолат бермоқда.

Л. Валенса шахсан ўзи ва «Бирдамлик» гражданлик қўмитасидан чиқишини айтди ҳамда «Газети Виборчей»нинг биринчи саҳифасидаги «Бирдамлик» рамзини олиб ташлашни талаб қилди. У яқинда ўзининг тарафдорлари томонидан тузилган «Марказчи кучлар битими»ни қўллаб-қувватлади, бу ташкилот Польша жумҳурияти президенти лавозимига Л. Валенса номзодини кўрсатган эди. Бинобарин у ана шундай имкониятни истисно этмаслигини айтди.

● НЬЮ — ЙОРК. АҚШ авиация-космик саноатининг «Авиэйшн уик энд спейс технолоджи» ҳафтаномаси ўз нашрини рус тилида чиқариш режаларини эълон қилди. Бу фақат Америкада эмас бутун дунёда авиация ва космонавтика билан боғлиқ ҳарбий-сиёсий техникавий ва тижоратга доир хилма-хил муаммолар ҳусусидаги ахборотларнинг энг нуфузли манбаларидан биридир.

Ҳафтанома ношири Кеннет Газзола ана шу ҳафтанома эгаси ҳисобланган «Макгроу-хилл» корпорациясининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида яқинда рус тилида «Авиэйшн уик энд спейс технолоджи»нинг пайдо бўлишини эълон қилиб, журналнинг совет бозорига чиқарилиши жаҳон сиёсатидаги реал ўзгаришларнинг ифодаси, ҳамкорлик қилишга интилиш кучайиб бораётганлигининг ифодаси эканлигини айтди. «Авиэйшн уик энд спейс технолоджи» ҳафтаномасининг эгалари унинг рус тилидаги нашрини ҳар уч ойда бир марта чиқаришни режалаштирмоқдалар.



Ромпресс агентлигининг хабар қилишича, 1985 йилдан то 1989 йилгача Руминияда СПИД билан оғриган 19 киши рўйхатдан ўтди. Улардан 11 киши ҳалок бўлган. Яқинда ўтказилган текширув натижаларига кўра эса СПИД вируси 213 болада топилди. Бу ҳол шифокорларни ташвишга солмоқда, даҳшатга қарши кураш учун кескин чоралар кўрилмоқда. Тиббиётда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни стериллаш, ҳомиладор аёлларни синчиклаб назоратдан ўтказиш, донорлар қонини текшириш қаттиқ назорат остига олинган. СПИД эпидемиясининг олдини олиш системаси самарали бўлиши учун курашмоқдалар.
СУРАТДА: «XX аср ўлати» қурбонлари.

РОМПРЕСС — ТАСС сурати.

Ранг-баранг олам

МАНИКЕНША ҚАНЧА ТУРАДИ?

20 ЁШЛИ МАНИКЕНША Сьюзен Мизи Англияда катта шуҳрат қозонган. Унинг қадди қомати келишган, катта-катта кўзлари қўнғир рангдадир. Сьюзен маҳсулотларини намойиш қиладиган «Силк фэктори» фирмаси ўзининг бу тирик моделини жуда ардоқлайди. Фирма бу қизни жуда кўп миқдорда — 15 миллион долларга суғурта қилдирган. Унинг баданидаги ҳар бир қисм алоҳида-алоҳида баҳоланган — юзи 7,5 миллион доллар «туради», қўл ва оёқлари — 3 миллион доллар, танаси ҳам шунгача баҳоланган. Бу миллионлар учун Сьюзен яқин уч йилгача қатъий қоида асосида яшаши: алкоголь истеъмол қилмаслиги, чекмаслиги, турмушга чиқишни ўйламаслиги, ҳатто балконга чиқмаслиги керак. Бу талабларга тўла риоя қилса Сьюзен уч йилдан сўнг «Силк фэктори»дан қўшимча бир ярим миллион доллар мукофот ҳам олади.

ОСМОНДАГИ НИКОҲ

● ЛЬВОВ АВИАОТРЯДИ ёш келин-куёвларга хизмат кўрсатишни янгича турини амалга оширмоқда.

Ёш келин-куёвлар никоҳдан ўтишлари биланоқ дарҳол тайёра ёки вертолётга буюртма бериб меҳмонлар билан биргаликда булутлар устида саёҳат қилишлари мумкин. Мижозларнинг хоҳишларига қараб бу сайр Львов шаҳри узра ёки бирор қишлоққа бўлиши мумкин.

«МИ-2» вертолётида олти киши, «Л-410» тайёрасида эса бир йўла ўн беш киши сайр қила олади. Вертолётда бир соат учишга 300 сўм, тайёрага эса 380 сўм тўланади.

ОНАНИНГ ЁРДАМИ

● АНГЛИЯЛИК БОКСЧИ ТОНИ Уилсон ўзи қатнашадиган мусобақаларга бундан кейин онасининг келишини тақиқлаб қўйди. Гап шундаки, мусобақаларнинг бирида Тонининг рақиби уни роса «калтаклайди». Бунга чидай олмаган она рингга чиқиб ўғлининг рақибига ташланади. Кутилмаган ҳужумдан довдираб қолган рақиб жангдан воз кечади. Натижада Уилсон ғолиб деб топилса-да унинг ўзи бундан норози бўлади ва рақиби билан қайта бокс тушишни талаб қилади. У ўз ғалабасини қизиққон онасининг «ёрдамисиз» намойиш қилмоқчи бўлган, деб хабар беради. Булғорияда чиқадиган «Труд» рўзномаси.

Бугун Италияда футбол бўйича XIV жаҳон чемпионати бошланади

ИТАЛИЯ '90

Биз бу кунни роса тўрт йилдан буён интизор бўлиб кутаётган эдик.

1986 йил 15 июнда Мексикада ўтаётган XIII Жаҳон чемпионатининг нимчорак финал ўйинида мамлакатимиз футболчилари Леон шаҳрида Бельгия командаси билан куч синашишлари керак эди. Мутахассислар ҳам, ишқибозлар ҳам группалар ўйинларида зўр муваффақият қозонган СССР терма командаси осонликча ғалаба қозонишига қаттиқ ишонишган эди. Бунга ҳатто командамиз ўйинчилари ва устозлари ҳам умид боғлашганди. Афсуски, бунинг тескариси бўлиб чиқди...

Ўша аламли ўйин назаримизда миллионлаб футбол мухлисларининг ёдидан ҳали кўтарилмаган бўлса керак. Ҳисобни биринчи бўлиб Беланов очиб берди. Ўйиннинг иккинчи даврасида Шифо жавоб тўпи киритди. Бу ҳол кўпчиликни шубҳага солганди — ўйиндан ташқари ҳолат! Лекин швед ҳакамі Э. Фредрикссон тўпни майдон марказидан ўйинга киритиш кераклигини кўрсатди. 70-минутда Беланов командамизни яна олдинга олиб чиқди. Лекин 77-минутда ҳакам яна ғирромлик қилди. «Офсайт»да турган Кулеманс СССР терма командаси дарвозасига киритган тўпни ҳақиқий деб топди. Олдинги гол ҳам шу қадар шубҳали кўринган бўлса, бунисн аниқ-ойдин кўриниб турган ўйиндан ташқари ҳолат эди. Ана шундан кейин футболчиларимиз ўзларини унутиб, олишишмади. Қўшимча вақтда бельгияликларнинг яна битта тўпига Беланов битта тўп билан жавоб қилди. Шу билан чемпионатда энг ҳужумкор, чиройли ўйин кўрсатаётган совет футболчилари кутилмаган мағлубиятга учраб, катта футбол пойгасидан бош эгиб чиқиб кетишди. «Совет футболчиларини бельгияликлар эмас, аксинча швед Фредрикссон мағлубиятга учратди» деб ёзди жаҳон рўзномалари.

Ҳа, ана шу кундан бошлаб биз янги чемпионатни кутиб яшадик. Мана, шу кунларга ҳам етиб келдик. Хўш, бу йил командамизнинг мавқеи қандай бўлади? Умуман чемпионат қандай ўтади? Ким чемпион бўлади? Ҳакамларнинг хатолари яна қайтарилмайдими?

Футбол шуниси билан қизиқки, кутилмаган натижалар, «сюрприз»ларга бой.

Мана, орадан тўрт йил ўтди. Бу муддат совет футболи учун умидлар даври бўлди десак, хато қилмаймиз. Бош командамиз Европанинг «иккинчи» командаси бўлди. Олимпиячиларимиз эса финалда машҳур Пеленинг юртдошларини доғда қолдириб, чемпион бўлишди. Энди эса жаҳон биринчилиги.

Футболимиз «академиги» Лобановскийнинг минг чиғириғидан ўтган 22 нафар йигитимиз Жаҳон кубогини қўлга киритиш учун жангу-жадалга киришадилар. Шу ўринда кубок ҳақида икки оғиз сўз: бундан роса 60 йил аввал биринчи марта футбол бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтган эди. Ўшанда соф олтиндан тайёрланган Олтин Маъбуда уч карра ғолиб бўлган мамлакат командасига бир умрга берилиши белгиланган эди. Олдинги барча финал биринчиликларида иштирок этган ягона командa Бразилия уч карра Жаҳон чемпиони бўлгач, (1958 — 1962, 1970), гўзал ва бебаҳо Маъбуда уларга бир умр сақлаш учун топширилганди. Шундан сўнг ясалган Жаҳон кубоги эса ким неча марта ғолиб бўлишидан қатъи назар бир умрга берилмасликка қарор қилинди.

Лекин бу финал мусобақалари шиддатини асло сусайтиргани йўқ. Аксинча...

Хуллас, бизнинг «22 умидимиз» ана шу соврин баҳсларида иштирок этадилар. Гарчи мутахассислар ҳам, компьютерлар ҳам, фолбину-табибчилар ҳам СССР футболчиларини финалда кўришни башорат қилмаётган бўлишса-да, лекин биз — ҳаммамиз ич-ичимиздан командамизга омад тилаймиз...

Бироқ вазиятга холисанилло баҳо берадиган бўлсак, аҳволимиз гарчи аянчли бўлмаса-да, хотиржамликка ҳам асос йўқ. Чемпионат бўсағасида П. Яковенко ва А. Михайличенколарнинг жароҳатланиши барчамизнинг руҳимизни туширди. Беихтиёр «наҳот шу талофотларнинг олдини олиш мумкин эмас эди, ўша «халқаро» ўйинларда (Павел — «Динамо» — МАСК, Алексей эса СССР — Исроил ўртоқлик учрашувларида жароҳат олган эди) улар касал ҳолига ўйнамаса ҳам бўлардику», деб юборасиз.

Командада Черенковнинг йўқлигини эса қандай баҳолаш мумкин? «У яхши спорт формасида бўлмаса ҳам» (тренерлар гапи бўйича), барибир «диспетчер»ликда ундан зўри йўқ эди-ку. Қолаверса, «диспетчер»ликка мўлжалланган А. Михайличенко ҳам асосий ўйинчилар таркибидан тушиб қолган бўлса? Ёки Радионов ва Шмаровнинг терма командага олинмаганлигига нима дейиш мумкин? Рўйхатдаги Брошин, Фокин, Шалимов, Горлуковичларга эътирозимиз йўқми? Унда яхши...

Хуллас, биз Лобановскийнинг ишончига шубҳа қилмайлик-да, фақат омад тилайлик!

Яна бир гап. Италияга 6 минг нафар англиялик ишқибозлар бораяпти. Бразилия, Франция, ГФРдан эса ундан ҳам анча кўп. Қачонгача «катта ўйинларда» бечора футболчиларимиз ўз мухлисларисиз мўлтираб ўйнашади? Нега биздан мана шундай йирик мусобақаларга минглаб ишқибозлар юборилмайди? Қачонгача бир неча ўн футбол идораларидаги амакилар-у, ўйинчиларни қўллаб туриш учун бир неча «омадли» санъаткорлар ташриф буюришади? Қачон бизлар учун чемпионат ва олимпиадаларга бориш насиб этаркин? Бу ўринда биз фақат ўзимизни эмас, балки мингминглаб, ҳатто миллионлаб футбол мухлисларини, бутун умри далада ўтадиган, футбол деса жону-жаҳонини аямайдиган содда ва камсуқум меҳнаткаш халқни назарда тутаяпмиз...

Хуллас, эртага фақат мардларгина беллашадиган футбол биринчилиги бошланади. Биз эса барча ишқибозлар номидан командамизга омад тилашдан ўзга чорамиз ҳам йўқ...

Аҳрор АҲМАД,
Норқобил ЖАЛИЛ.

Ассалом, Италия!
Ассалом, футбол!

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Жаҳон чемпионатларида энг кўп тўп урган футболчиларни биласизми? Фонтэн (Франция, 1958) — 13, Кочиш (Венгрия, 1954) — 11, Мюллер (ГФР, 1970) — 10, Эйсебио (Португалия, 1966) — 9, Стабиле (Аргентина, 1930) — ва Адемир (Бразилия, 1950) — 8, Леонидас (Бразилия, 1938) — ва Лято (Польша, 1974) еттитадан тўп киритишган. 1986 йилги чемпионатда эса англиялик Гарри Линекер 6 та тўп киритган.

* * *

Мексика терма командаси дарвозабони Антонио Карбахал шу пайтгача ўтказилган жаҳон биринчиликларининг бештасида иштирок этган «ветеран» футболчидир. (1950, 1954, 1958, 1962, 1966).

* * *

СССР терма командаси Мексика чемпионатида қуйидаги составда иштирок этган: И. Беланов — 4 та ўйин ўйнаган, 4 та тўп киритган. С. Алейников — 4/1/, А. Заваров — 4/1/, О. Кузнецов — 4, И. Яремчук — 3/2/, П.Яковенко — 3/1/, В. Рац — 3/1/, С. Радионов — 3/1/, Р. Дасаев — 3, В. Бессонов — 3, А. Демяненко — 3, А. Бубнов — 3, О. Блохин — 2/1/, Н. Ларионов — 2, А. Баль — 2, В. Евтушенко — 2, В. Чанов — 1, Г. Морозов — 1, Г. Литовченко — 1, О. Протасов — 1. А. Чивадзе ҳамда С. Краковскийлар финал ўйинларига қўйилмаган.

Кимлар ҳакамлик қилади?

Кечагина ФИФА бош котиби Зепп Блаттер чемпионат ўйинларида ҳакамлик қилувчилар рўйхатини эълон қилди. Бугун Миланда бўладиган Аргентина — Камерун командалари учрашувига таниқли француз Мишель Вотро ҳакамлик қилади. Қолган ўн икки матчнинг ҳакамлари қуйидагилар: СССР — Руминия — Хуан Карделлино (Уругвай); Италия — Австрия — Жозе Рамис Райт (Бразилия); Бирлашган Араб Амирликлари — Колумбия — Жорж Куртин (Англия); АҚШ — Чехословакия — Курт Ротлисбергер (Швейцария); Бразилия — Швеция — Тулио Ланезе (Италия); ГФР — Югославия — Петер Микельсен (Дания); Коста — Рика — Шотландия — Хуан Карлос Лостау (Аргентина); Англия — Ирландия — Арон Шмидхубер (ГФР); Бельгия — Жанубий Корея — Винсент Мауро (АҚШ); Голландия — Миср — Эмилио Сориано (Испания); Уругвай — Испания — Хельмут Коль (Австрия).

Диққат: конкурс!

Билағонлигингизни синаб кўринг

Мана, ниҳоят, барча футбол ишқибозлари интизорлик билан кутган кунлар ҳам етиб келди. Италия чемпионати олдидан аввал бошланган мухлислар ўртасида баҳслар, тортишувлар ҳалиям тугагани йўқ. Кўпчилик Италия терма командаси барибир чемпион бўлади, деб башорат қилаётган бўлса, бошқа бировлар эса Марадона командаси — Аргентина чемпионликни қўлдан бермаса керак, демоқда. Аммо бошқа командалар ҳам фахрли ўринларга даъвогар эканликлари ҳақида гап-сўзлар юрибди, «Ноумид шайтон». Шу жумладан, бизнинг мамлакатимиз футболчилари ҳам финал учрашувларида қатнашишга аҳд қилишган.

Лекин жаҳон чемпионатида кучсизлар бўлмайди! Кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмаган воқеалар, натижалар бўлиши мумкин. Биз шу муносабат билан рўзномамиз муштарийлари, қолаверса, барча футбол мухлислари ўртасида «Билағонлар беллашуви»ни ўтказишга қарор қилдик. Қуйидаги икки саволга аниқ ва тўғри жавоб йўллаган ғолибларнинг исм-фамилиялари, суратлари рўзномамиз саҳифасида эълон қилинади.

1. Қайси команда чемпион бўлади?
2. СССР терма командаси нечанчи ўринни эгаллайди?

Эслатма: исм-фамилиянгиз ва турар жойингизни аниқ кўрсатинг, 3х4 ёки 6х9 см. ҳажмидаги суратингизни ҳам юборишни унутманг. Конверт устига «ИТАЛИЯ—90» деб ёзиб қўйинг.

Жавоблар 15 июнгача қабул қилинади.



СУРАТДА: СССР терма командаси аъзолари: юқоридаги қатор (чапдан ўнгга):

Александр УВАРОВ дарвозабон («Динамо», Москва), Вагиз ХИДИЯТУЛЛИН ҳимоячи («Тулуза» Франция), Сергей АЛЕЙНИКОВ ярим ҳимоячи ва ҳужумчи («Ювентус», Турин, Италия), Олег ПРОТАСОВ ярим ҳимоячи ва ҳужумчи («Динамо» Киев), Ахрик ЦВЕЙБА ҳимоячи, («Динамо» Киев), Анатолий ДЕМЬЯНЕНКО ҳимоячи («Динамо» Киев), Сергей ФОКИН ҳимоячи (МАСК).

Уртадаги қатор — Олег СОКОЛОВ массажчи, Ринат ДАСАЕВ дарвозабон («Севилья», Италия), Сергей ГОРЛУКОВИЧ ҳимоячи («Белоруссия», Дортмунд ГФР), Игорь ШАЛИМОВ ярим ҳимоячи ва ҳужумчи («Спартак», Москва), Олег КУЗНЕЦОВ ҳимоячи («Динамо», Киев), Виктор ЧАНОВ дарвозабон («Динамо» Киев), Андрей ЗИГМАТОВИЧ ярим ҳимоячи ва ҳужумчи («Динамо» Минск), Александр БОРОДЮК ярим ҳимоячи ва ҳужумчи («Шальке-04, ГФР), Валерий БРОШИН ярим ҳимоячи ва ҳужумчи (МАСК).

Пастдаги қатор — Михаил НАСИБОВ массажчи, Александр ЗАВАРОВ ярим ҳимоячи ва ҳужумчи («Ювентус», Турин, Италия), Василий РАЦ ҳимоячи («Динамо» Киев), Савелий МИШАЛОВ врач, Никита СИМОНЯН команда бошлиғи, Валерий ЛОБАНОВСКИЙ бош тренер, Юрий МОРОЗОВ тренер, Иван ЯРЕМЧУК ярим ҳимоячи ва ҳужумчи. («Динамо» Киев), Игорь ДОБРОВОЛСКИЙ ярим ҳимоячи ва ҳужумчи («Динамо» Москва), Владимир ЛЮТИЙ ярим ҳимоячи ва ҳужумчи («Шальке-04» ГФР), Владимир БЕССОНОВ ҳимоячи («Динамо» Киев). И. УТКИН сурати (ТАСС).

ПЕЛЕНИНГ СИНГЛИСИ

АКАМ ХОТАМГА

Ака, ҳовлимизнинг шундоқ ёнида
Қирлар бўлар эди, ям-яшил қирлар.
Кишнаб ўтар эди, отлар, уюрлар
Маъраб ўтар эди, қўйлар, сигирлар.

Сайҳонликда, қирнинг текис ерида
Майдон жойлашганди — футбол майдони.
Сен учун бу майдон, бу яшил майдон
Дунёда энг, энг катта эди.

Қирнинг баланд жойи, харсанг устида
Томошабин зоти — ёлғиз мен эдим.
Ҳакам бўлиш эмас сен бир ўйинда
Келишиб ўйнарди никола томон.

Гол урсанг менга бир қараб қўярдинг
Қўл силтаб қўярдим мен ҳам сен томон.
Битта кам бўларди сен ўйнар тараф
Икки ўйинчига саналардинг сен.

Қайсар томошабин менинг олдимда
Ҳар кун ҳисоб барар, синаялардинг сен.
Футбол кўриб, дарсни қилмагани-чун,
Баъзан қувилардим, қайдалардим мен.

Сени Пеле — деб аташар эди,
Пеленинг синглиси аталардим мен.
Энди тушларимга кирар у майдон
Болалик юртида тож-тахтли майдон.

Беғубор қийқириқ бағрини тутган
Энг покиза майдон, энг тоза майдон.
Сумкалар турарди майдон четида
«Икки»лари билан, «беш»лари билан.

Бу ерда ҳеч кимнинг иши йўқ эди
Дунёнинг савдойи ишлари билан.
Сен агар ютқазсанг жим қайтардинг
Мен-чи, яширардим кўзим ёшини.

Бошгинангни эгиб турар эдинг сен
Бош эгиб ичардинг кечки ошингни.
Ўйинлар тугади, болалик кетди,
Ушандай севинчга тўлолмадим мен.

Ака, сендан Пеле чиқмади, эсиз
Пеленинг синглиси бўлолмадим мен.
Қирларнинг ўрнига пахта экилди,
Гол урмоқ ўрнига, пахта тердинг сен.

Қанча севинчингни, қанча голингни
Ҳисобчига ғилаб-ғилаб бердинг сен.
Ака, бу ўйинда ютқаздинг, ака
«Пахта» деб аталган рақибинг ютди.

Хотам — деб ёзилган футбол тўпинг ҳам
Пахтазор ичида йўқолиб кетди.
Ҳамон гап очилса футбол ҳақида
Ушандай чақнаб кетар кўзларинг.

Мен-чи, ерга қараб тилак қиламан,
Тилагим осмон-фалак қиламан:
Ўғилларинг Пеле бўлсинлар ака,
Пеленинг синглиси бўлсин қизларинг.

Зулфия МЎМИНОВА.

Энди мухлисларга ўтган жаҳон чемпионатлари ғолибларини эслатиб ўтамиз.

ЙИЛИ	ЎТКАЗИЛГАН ЖОЙИ	1-ЎРИН	2-ЎРИН	3-ЎРИН	4-ЎРИН
1930	Уругвай	Уругвай	Аргентина	Югославия	АҚШ
1934	Италия	Италия	Чехословакия	Германия	Австрия
1938	Франция	Италия	Венгрия	Бразилия	Швеция
1950	Бразилия	Уругвай	Бразилия	Швеция	Испания
1954	Швейцария	ГФР	Венгрия	Австрия	Уругвай
1958	Швеция	Бразилия	Швеция	Франция	ГФР
1962	Чили	Бразилия	Чехословакия	Чили	Югославия
1966	Англия	Англия	ГФР	Португалия	СССР
1970	Мексика	Бразилия	Италия	ГФР	Уругвай
1974	ГФР	ГФР	Голландия	Польша	Бразилия
1978	Аргентина	Аргентина	Голландия	Бразилия	Италия
1982	Испания	Италия	ГФР	Польша	Франция
1986	Мексика	Аргентина	ГФР	Франция	Бельгия

Эслатма: 1930 йили 3-ўрин учун ўйин ўтказилмаган. Бу ўринни ярим финалда ютқазган АҚШ ва Югославия командалари ўзаро бўлишиб олишган деб ҳисобланилади.

КРОССВОРД * КРОССВОРД * КРОССВОРД *

Жавоблар белгиланган хонадан бошлаб соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади.

1. Ватанимиз терма командасининг дарвозабони. 2. «Енгилмас йўлбарслар» номини олган Африка мамлакатидаги команда. 3. СССР терма командасининг ярим ҳимоячиси. 4. XIII Жаҳон чемпионатининг «юлдузи» бўлган футболчи. 5. Футбол ўйинининг ватани. 6. ГФРнинг «Шальке — 04» командасида ўйнаётган мамлакатимиз футболчиси. 7. Пеле билан бирга ўйнаган Бразилиянинг энг кўп тўпурар футболчиси. 8. Халқаро футбол уюшмаси раҳбари. 9. Биринчиликнинг финал ўйинида бош ҳакамлик қилган мамлакатимиз вакили. 10. Аргентина терма командаси ҳужумчиси. 11. Испанияда бўлиб ўтган XII Жаҳон чемпионатининг энг кучли ҳужумчиси. 12. XIV Жаҳон чемпионати ўтказиладиган мамлакат. 13. Чемпионатнинг ҳал қилувчи сўнгги ўйини. 14. СССР терма командасининг бошлиғи. 15. Италия чемпионатида мамлакатимиз терма командасига қарши майдонга тушган дастлабки рақиб команда. 16. Чемпионат ўйинлари ўтказилган шаҳарлардан бири. 17. Ирландия терма командасининг бош тренери. 18. Энг олий соврин. 19. Голландия терма командаси ҳужумчиси, «Олтин тўп» совриндори. 20. Жаҳон футбол чемпионатларида уч карра ғолибликни қўлга киритган «Олтин маъбуда» эгаси бўлган мамлакат. 21. Аргентина терма командасининг бош тренери. 22. Энг биринчи жаҳон чемпиони бўлган терма команда.

Ф. ОРИПОВ тузган.



ТВ

9 ИЮНЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

10.00 Ҳужжатли фильмлар экрани. 10.50 «Пойтуғ тўқимачилари», 3-кўрсатув. 11.20 «Бу сирли олам». 11.50 «Ҳазил». Бадиий фильм («Мосфильм»). 13.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нуқтаи назар». 14.05 «Мозийдан қолган ривоят». Дутор ҳақида лавҳа.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Хотиралар». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Тошлар жилоси». Телефильм. 20.00 Москва. «Вақт». 20.30 Оқшом эртаклари. 20.45 Долзарб мавзу. 21.00 Тошкентда Ўзбекистон вилоятлари ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти маданияти кунлари. Ойнаи жаҳонда — Қашқадарё. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 Фитрат. «Абул Файзхон». Қашқадарё вилояти Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқий драма театрининг спектакли.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Шоир Боқи Раҳимзода шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 Бизнинг фондимиздан. А. Чхеидзе. «Ворислар». Телевизион спектакль.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Басат — Тепагеза ғолиби». Мультфильм. 18.20 «Шаҳристон текисликларида». 18.50 «Фарзанди нағз — боғи падар». Ота-оналар учун кўрсатув. 19.30 «Новости». 19.50 Кинолавҳа. 20.00 Москва. «Вақт». 20.30 «Жаҳоннамо». Бадиий публицистик кўрсатув. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Жаҳоннамо». Бадиий-публицистик кўрсатувнинг давоми.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда. 8.35 «Йил фасллари». Июнь. 9.35 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия. 10.30 «Бурда моден» таклиф этади...». 11.00 Отелло Профацио куйлайди (Италия). 11.30 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 12.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — Камерун терма командалари. Италиядан кўрсатилади. 2-тайм. 13.00 «Дўстлик меридианлари». II Халқаро фольклор фестивали. Ёпилиш маросими ва якунловчи концерт. Киевдан кўрсатилади. 15.15 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 16.15 Сиёсий мулоқотлар. 17.15 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 17.20 «Халқаро панорама». 18.05 «Келгиндилар». Ҳужжатли фильм. 18.30 Режиссёр К. Кийск фильмлари. «Саргузаштлар изловчи» (Талиннфильм»). 20.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 20.30 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. СССР — Руминия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади. 23.55 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.45 «Полковник Шалигинининг кутиши». Бадиий фильм, субтитр билан (Одесса киностудияси). 9.10 «Агар сиз...». 9.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 10.00 «Совет Россияси» видеоканали. 12.30 Рус тили. 13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 16.30 «Олис портлаш акс-садоси». Бадиий фильм («Ленфильм»).

* * *

18.00 Теннис. Франциянинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади. 19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қўғирчоқлар дўхтири». 00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Италия — Австрия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р—04602. Д. — 23480.